

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИГА ПАРАДИГМА АСОСИДА
ЁНДАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Абдумажида Ҳамида¹

¹ СамДТУ “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси асистенти
Узокова Дурдона Муратали қизи ИСФТ Самарқанд филиали талабаси
(Тел.: (+99893) 352-32-88,
e-mail: amirdinov.jahongir@mail.ru)

МАҚОЛА
МА'ЛУМОТИ

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 01.01.2025

Revised: 02.01.2025

Accepted: 03.01.2025

Мақолада модернизация тушиунчаси, унинг парадигма билан боғлиқлиги, модернизациянинг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги, парадигманинг фан билан, таълим билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари ва унинг глобаллашув ва модернизация жараённида намоён бўлиши хусусиятлари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Модернизация,
парадигма,
жамиятнинг
иқтисодий, ижтимоий-
сиёсий, маънавий ҳаёт
соҳалари, парадигма ва
фан, парадигма ва
таълим, глобаллашув,
модернизация ва
парадигманинг ўзаро
боғлиқлиги.

Модернизация парадигмаси XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, унинг асосий вазифаси инсоният фаолиятининг барча соҳаларида анъанавийликдан замонавийликка ўтишни ўзида ифодалайди. Модернизация парадигмаси илмий билимнинг инсоният ҳаётига жадал суръатда кириб келиши билан боғлиқ бўлган жараёндир. Бугунги кунда модернизация жараёни иқтисодий ҳаёт соҳасида жамият ҳаётига инновацион технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни амалга оширишдаги интеграцион жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан интеграция жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, -

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатбардошлиги ва, энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилишини, ўйлайманки, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ¹.

Бугунги кунда фан сифат жиҳатидан янги функцияларни бажармоқда. Илмий тадқиқотлар бугунги кунда фақат илмий мақсадларни кўзламасдан, бошқарув, ахборот, лойиҳалаштириш, техник ишлаб чиқариш ҳам назарда тутилмоқда. Билимларни ишлаб чиқарувчи илмий тадқиқот бирлашмалари янги билимларни яратибгина қолмай, моддий ишлаб чиқариш функцияларини ҳам бажармоқдалар.

Замонавий фалсафада илм-фаннинг назарий-методологик ва қадриятлар тизими асосида илмий муаммоларни ечишда намуна сифатида қабул қилинган ва илмий жамоа томонидан маъқулланган тушунча тамойилга парадигма дейилади. Парадигма юнон тилида *paradigma* – намуна, мисол деган маънони билдиради. Парадигма ҳозирги замон фани тушунчasi сифатида америкалик олим Т.Кун (1922-1996) томонидан фанга киритилган бўлиб, у фанни тарихий воқелик деб ифодалайди ва унинг ўсиши ҳамда динамикаси механизмлари тўғрисидаги мураккаб масалалар, фаннинг соxта фандан фарқи, унинг структурасини билим ва фаолият ташкил этиши, ҳақиқий олим ким ва илмий билиш жараёнида ижтимоий институтларнинг аҳамияти каби масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Парадигмалар фаннинг нормал ривожланиши доирасида шаклланади. Парадигмаларнинг алмашиши илмий инқирозлар асосида рўй бериб, бу жараёнда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англаб олиш, фалсафий тафаккурнинг ривож топиши, илмий жамоаларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Илм-фаннинг ривожланиши жараёнида янги парадигмаларнинг пайдо бўлиши тадқиқотчи дунёқарашининг шаклланиши ва эволюциясига таъсир этади. Парадигмани фанга олиб кирган олимлар қандайдир назария ёки қонунни ифодалаб бериш билан бирга, бир ёки бир нечта муҳим илмий муаммоларни ҳал қилиш йўли ва намунасини кўрсатиб беришган².

Парадигма муайян соҳада илмий изланишнинг нусхалар тўпламини бериб, шу билан бирга парадигма ўз доирасига тегишли муаммоларни қандай усуслар билан ечиш мумкинлигини белгилайди. Парадигма – илмий уюшма томонидан қабул қилиниб, илмий уюшма – битта парадигмага ишонган олимлар гурухини ташкил қиласди. Илмий уюшма аъзоси бўлиш учун унинг парадигмасини ўзлаштириш лозим бўлади. Парадигма – норма доирасида ривожланаётган фаннинг дунёқарashi ва методологиясининг пойдевори бўлиб, унинг асосий вазифалари, турли хусусий илмий муаммоларни ҳал

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон манфаатларини ҳалқаро миқёсда қатъий химоя қилиш – дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 287 бет.

² Фалсафа. Энциклопедик луғат. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010 йил, 222 бет.

етиши, аста-секин илмий билим ҳажмини күпайтириш, алоҳида элементларни аниқлаштириш, ўзгартириш, қайта қуришдан иборатdir. Бир парадигмадан бошқасига ўтиш жараёнини Т.Кун илмий инқилоб деб номлади. Янги парадигманинг шаклланиши эскисининг йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди. Эски парадигмалар уларнинг тарафдори бўлган кишилар кўнгилларида қанча яшаса – шунча яшайди, фан ривожланиши эса турли парадигмаларнинг бирга мавжуд бўлиши ва рақобат қилиши жараёнидир.

Парадигма асосида модернизация тушунчасини таҳлил қилганда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳалари, фан, иқтисод, сиёsat, технология, маънавий ҳаёт ва бошқа соҳалардаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари хам муайян парадигмалар асосида амалга оширилиши эътироф этилади. Парадигма меъёр доирасида ривожланаётган фан методологиясининг пойдевори бўлиб, унинг асосий вазифалари турли хусусий илмий муаммоларни ҳал этиш, илмий билим ҳажмини ошириш, аниқлаштириш, ўзгартиришдан иборатdir.

Модернизация жараёнларининг жуда кўплаб таърифлари ва унга турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, модернизация классик назарияларида дастлаб ишлаб чиқаришни индустрIALIZация асосида ривожланиши билан боғлиқ жараён сифатида таърифланади. Шу маънода модернизацияни дастлаб кўпроқ анъанавий жамиятдан цивилизация даврига ўтишга қиёслашади. Бунда анъанавий жамият қуидаги белгилари билан характерланади: ҳаётни ташкил этиш кўп ҳолларда диний тасаввурларга асосланади; ривожланиш циклидир; индивидуализмнинг мавжуд эмаслиги; авторитар ҳокимиятнинг мавжудлиги; шахсларнинг фаолиятсизлиги, инновациялардан анъаналарнинг устунлиги ва ҳоказо”³.

Замонавий жамиятда эса инновациялар анъаналардан устиворлик қиласи; ижтимоий ҳаёт дунёвий характерга эга бўлади; ривожланиш изчил, либерал демократик ҳокимият, индивидуализм, инсонлар фаоллиги ва ҳоказолар асосий белгилар ҳисобланади. Жамиятшунос олим Хантингтон модернизация жараёнларини таҳлил этар экан, у ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларини ўз ичига олишини таъкидлайди. Олим модернизация жараёнларининг анъанавий жамиятнинг инқирози ва индустрİАЛ жамият бағрида вужудга келишини таъкидлаб, унинг тўққизта белгисини кўрсатиб ўтади. Бу белгилар - инқилобийлик, комплекслилик, тизимлилик, глобаллик, давомийлик, босқичлилик, гомогенлик, қайтарилимаслик ва прогрессивликдан иборатdir. Модернизация жараёнлари бугунги кунда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларида амалга оширилмоқда. Иқтисодий соҳада модернизация чуқур иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат тақсимотининг ўсиши, технологияларнинг такомиллашуви, эркин рақобат, тижорат учун қулай имкониятларнинг яратилишидан

³ Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎзР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва хуқуқ институти; масъул мухаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил, 51 бет.

иборатдир. Ижтимоий соҳада модернизация аҳоли саводхонлигининг ўсиши, янгиланишлар, аҳоли фаровонлигининг ўсишида намоён бўлади. Сиёсий модернизация сиёсий партиялар, парламент, сайлов ҳуқуқи, демократик овоз бериш тамойилларининг такомиллашишида кўзга ташланади. Манавий соҳадаги модернизация маданиятнинг асосий элементлари бўлган дин, фалсафа ва фаннинг ривожланиши, фан тараққиётидаги парадигмага асосланади.

Бугунги кунда модернизация жараёнлари жамиятда замонавий сиёсий (демократия, фуқаролик жамияти, ҳуқукий давлатни барпо этиш), иқтисодий (бозор, хусусий мулк, ривожланганлик даражасига кўра баъзи давлатларда ахборотлашган иқтисодиёт), ижтимоий (индивидуализм, дифференциацияланган жамият), маданий (маданиятнинг дифференциацияси, ижтимоий онгдаги секуляризация, саводхонликнинг ортиши ва кенг тарқалиши, фан ва техниканинг асосий қадриятга айланиши) тизимларини вужудга келтиришдан иборат бўлган комплекс жараёндир. Модернизация жараёнининг асосини билим ташкил этади. Билим субъект фаолияти учун имконият яратади. Замонавий модернизация жараёнларида билим муаммосига, унинг жамиятдаги мақоми масаласига катта эътибор қаратилади. Хозирги даврда вужудга келган постмодернизм йўналишида эпистемологик муаммоларга кенг ўрин берилиб, билимнинг предмети, унинг типологияси, объект ва субъектидаги ўзгаришлар, билимнинг тижоратлашув жараёнлари масалаларига тўхталиб ўтилади. Постмодернизм парадигмаси ижобий хусусиятга эга бўлиб, унда оламнинг кўпхиллиги, олам доимо очик ва нобарқарор эканлиги эътироф этилади. Ҳар бир жамият тараққиёти, унинг ривожланиши илмий билимлар билан боғлиқдир. Илмий адабиётларда ахборотлашган жамият, билим жамияти, постиндустриал жамият, глобаллашиб бораётган жамият сифатида таърифланаётган замонавий жамият технологиялар асосида модернизациялашиб бормоқда. Ахборот ва билим XX асрнинг охирларидан бошлаб технологияларнинг (информатика, электроника, биотехнология, нанотехнология ва ҳоказо) фундаменти бўлиб хисобланиб келмоқда. Замонавий глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари инсоният тарихидаги модернизация сифатида намоён бўлиб, бу жараёнлар инсоният тарихининг бутунлай янги сифатий ўзгаришлар даврини бошлаб бермоқда. Хозирги даврда жамият ҳаётидаги ўзгаришлар илм-фаннинг ривожланиш даражаси билан белгиланмоқда. Фан жамият ҳаётида сифат жиҳатидан янги функцияларни бажармоқда. Илмий тадқиқотларнинг мақсадида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб, илмий тадқиқотлар фақат илмий мақсадларни кўзламасдан, бошқарув, ахборот, лойиҳалаштириш, техник ишлаб чиқариши ҳам назарда тутмоқда.

Замонавий глобаллашув даврида билим асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида эътироф этилмоқда. Глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказувчи жараён бўлиб, глобал жараёнлар инсоният олдидаги глобал муаммоларни глобал – эволюционизм, синергетик парадигмага асосланган фанни янада

ривожлантириш, билим ва технологияларни инновацион ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги даврда мураккаб, ўз-ўзини ташкил этадиган, синергетик характерга эга бўлган тизимлар замонавий жаҳон фанининг обьектига айланмоқда. Фанда интеграция, дифференциация, глобаллашув жараёнлари кучаймоқда. Бугунги кунда фан борган сари қадриятлар билан узвий ҳолда ривожланмоқда, унинг гуманизациялашуви, унинг экологик мувозанатни саклашдаги тутган ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шунингдек, глобаллашув парадигмасида “моддий” ресурслар эмас, “номоддий” ресурслар, яъни билим, ноу-хау, ахборот тизими ва патентларни, илмий ахборотни бошқариш аҳамиятли бўлиб бораётганлиги сабабли келгусида ҳам жамият тараққиёти фан, билимлар билан узвий боғлиқликда ривожланиши эътироф этилмоқда. Айниқса, жамиятнинг келажаги асосан генетика, материалшунослик, энергетика, сунъий интеллект, инсон миясини ўрганиш, билимлар динамикаси, билимларни бошқариш, глобаллашув даврида қандай билимларни трансляция қилиш, экология соҳаларидаги ютуқларнинг амалиётга кўлланиш даражасига боғлиқ бўлади. Натижада олимларнинг ҳалқаро илмий ҳамкорлигига талаб янада кучаяди⁴. Бугунги кунда ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон илмий сиёсатининг асосини бутун дунё илмий имконият ва салоҳиятини интеграция қилиш ташкил этади. Глобаллашув даврида фанда, маданият соҳасида ахборотлашув жараёнлари содир бўлади ва бу ўз навбатида фанда ҳам ахборотлашувнинг кучайишига олиб келади. Глобаллашув, ахборотлашув жараёнларининг кучайиб бориши ҳар бир инсоннинг чуқур билимга, ўз мустақил фикрига, кенг дунёқараш ва бой маънавиятга эга бўлишини талаб этади. Замонавий модернизация жараёнларининг муваффақиятини таълим тизимини модернизация қиласдан амалга ошириб бўлмайди. Ижтимоий субъектларнинг олиб борадиган фаол фаолиятининг замирида ҳам билим ётади. Таълим шахс, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор ижтимоий тараққиёт соҳаси бўлиб хисобланади. Таълим тизимлашган билим, маҳорат ва малакаларни шахс томонидан ўзлаштириш жараёни ва натижасини шу пайтга қадар ўзида ифодалаб келган бўлса, бугунги кунда таълим ижтимоий институт сифатида цивилизацийий (иқтисодий, гуманитар, маданий) функцияни бажаради ва инсоният тўплаган илмий билимларни, малака, кўнижмаларни ўзлаштириш ва ижодий шахсни тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Таълим тизими билимларни авлоддан авлодга узатиб, инсонни саводхонлик-таълим-касбий малакамаданият ва менталитет билан таъминлайди. Жамият мураккаб тизим сифатида янгиланар экан, ўзини ўзи ташкил этувчи тизимнинг асосий омили – инсон ҳам янги муҳитга мослашади, унинг талабларига жавоб бериш учун мажбурий функцияларни

⁴ Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎзР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва хуқуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил, 58 бет.

бажаради. Жамиятнинг ривожланишига қараб билим олиш усуллари ва билимни узатиш воситалари ўзгаради. Замонавий таълим инсонда нафақат билим, балки сифатли билим ва таълим, маънавий қадриятларни шакллантиради. Ахборотлашган жамиятда янги билимни олиш усули ҳисоблаш техникасини қўллашга асосланади. Ҳар бир фан тараққиётининг маълум даврида янги таълим парадигмаси вужудга келади.

Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар халқ маънавиятини юксалтириш, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асрбабайлаш, келажак авлодга етказиш, умуминсоний меросдан баҳраманд бўлиш, жамиятда фаол, маънавий етук инсонларни тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз, - дейди Президент Шавкат Мирзиёв, - Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз⁵.

Замонавий таълимни модернизация қилиш таълимни фундаменталлаштириш, гуманизациялаштириш, креативлаштириш, интеллектуаллаштириш, ахборотлаштириш, таълим ва тадқиқот жараёнларини бирлаштирган ҳолда олиб боришни назарда тутади. Замонавий таълим парадигмаси ёпиқ тизимларни ўрганишдан, эволюцион очиқ тизимларни ўрганишга ўтиш зарурлигини эътироф этади. Очиқ таълим – бу ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим бўлиб, ижодий шахсни ривожлантириш жараёнидир. Очиқ таълим тизими узлуксиз, инновацион, масофавий ўқитиш орқали мослашувчан, фаол, ижодий шахсни тарбиялашга қаратилгандир.

Модернизация жараёнлари жамиятнинг ривожланиши учун ўз-ўзини ташкил этиш жараёнидир. Ҳар қандай тизим маълум даврга келганда, миқдорий ва сифатий ўзгаришлар натижасида янгиланиши, инновацияларни амалга ошириши лозим бўлади. Жамият мураккаб, кўп қиррали ижтимоий тизим бўлса, билим унинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Модернизация даврида жамият ҳаётидаги қадриятлар ва билимларда бир қатор ўзгаришлар юз беради. Фан ва билимларни узатиш воситаси бўлган таълим тизимида доимий янгиланиш жараёнлари ҳам модернизацияга, муайян парадигмага асосланган ҳолда амалга ошади. Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар фан ва билимлар тизимида ҳам бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради. Жамиятдаги модернизация жараёнлари фандаги, таълимдаги янгиланишлар билан ўзаро

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз // Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил, 145-146 бетлар.

мутаносиблик, ўзаро боғлиқликда содир бўлади ва ана шундагина ижобий натижага эришилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш – дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил.
2. Фалсафа. Энциклопедик луғат. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010 йил.
3. Модернизация жараённининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎзР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва хукуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргалиқда барпо этамиз // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил.
5. Abdumajidova Kh. Globalization and modernization as an important feature of the development of modern society // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science-Philadelphia Quest. – USA, 2021. - № 4. - P.75-78 (№23; SJIF: 6.161).
6. Abdumajidova H. // Active foreign policy of Uzbekistan and its impact on integration process in Central Asia. American Journal of Social and Humanitarian Research Vol.2, No 3. 17.05.2021. – P. 58-62.
7. Абдумажидова Ҳ. Цивилизация, тараққиёт, модернизация ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги // Фалсафа ва ҳаёт. –Тошкент, 2020. -№ 2. – Б. 39- 46. (09.00.00; № 25).
8. Абдумажидова Ҳ. Марказий Осиёда Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг ташки сиёсатдаги устуворлиги // Наманган давлат университетининг илмий ахборотномаси. – Наманган, 2022. –№ 8. – Б. 202-207. (09.00.00; №24).